Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 24 (883) ● 2012 йил, 15 июнь, жума

## ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ: тинчлик ва юксалиш йўлидаги ҳамкорлик

**Муносабат**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ва унинг доирасида эришилган келишув ва аҳдномалар халқаро доираларда юксак баҳоланаётир. Зеро, ташриф доирасида имзоланган битим ва келишувлар ўзаро муносабатларда ишонч мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ишончли ва муҳим шерикчилик муносабатларига эга бўлган Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихи юз йилликлар билан ҳисобланадиган узоқ ўтмишга — Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасида кўп томонлама дўстона ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлардан гувоҳлик берадиган кўплаб эътиборга молик воқеалар, маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишига оид маълумотлар тарихий қўлёзмалар саҳифаларида сақланиб қолган.

Ана шундай мавжуд кўп асрлик муносабатлар замонавий босқичда ҳам мустақил Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг шаклланиши учун қулай замин яратгани ҳолда, икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувига кўмаклашмоқда. Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тараққиётига Хитой Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган 1991 йилнинг 27 декабрида замин қўйилган эди. Дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг 2 январида ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон — Хитой шериклиги ўзининг тобора юксалиши билан ажралиб турдики, бугунги кунда ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кун сайин равнақ топиб бораётир. Замонавий босқичда икки давлат ўртасида ўзаро ишонч, очиқлик ва ҳурматга асосланган фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда.

Давлат раҳбарлари даражасида амалга оширилган ўзаро ташрифлар икки томонлама муносабатлардаги муҳим босқичли воқеалар бўлиб қолгани баробарида, кўп қиррали Ўзбекистон — Хитой муносабатларини жадал кенгайтириш ва янада чуқурлаштиришга кўмаклашди.

Давоми 5-бетда



## Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя

### халқ фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда

**Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йил ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида"ги масала муҳокама этилди. Фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган мажлисда ушбу масала юзасидан Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади ижтимоий ҳимояга қаратилганлиги сабабли йиғилишда 2011 йил ва 2012 йил биринчи чорагида Давлат бюджети ижросининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бандларига асосий урғу берилди.

Эътироф этилишича, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 11,2 фоизга ортди. Инвестициялардан оқилона фойдаланиш, маҳаллийлаштириш дастурларининг муваффақиятли жорий этилиши натижасида республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан тушумларнинг 2010 йилга нисбатан 22,6 фоизга кўпайганлиги иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 52,5 фоиздан 2011 йилда 54 фоизга ўсишини таъминлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида бир миллионга яқин янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг 68 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Барча омиллар эвазига аҳолининг реал умумий даромадлари 2010 йилдагига нисбатан 23,1 фоизга ўсди.

Таъкидландики, 2011 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари Ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлди. Буни 2011 йилда бу борада ажратилган маблағлар 2010 йилдагига нисбатан 25 фоиз кўплигида кўриш мумкин.

Давоми 2-бетда

## Мева-сабзавотчилик ва узумчилик

### уни интенсив усулда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим

**Депутат минбари**

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни сифатли мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида агросаноат мажмуида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини эса хомашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини беради. Қолаверса, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштириш учун потенциали юксак саноат товарлари ишлаб чиқариш салоҳиятига эга давлатдир.

Давоми 4-бетда



## Фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти

**Нуқтаи назар**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бинобарин, Конституциямизнинг муқаддимасида Республикамизда шакллантирилаётган жамият — демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлишлиги кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг конституциявий ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинди, фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, ҳурмат қилиш ва муҳофазалаш — давлатнинг мажбурияти этиб белгиланди, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мустаҳкамланди.

Давоми 5-бетда

### Сиёсий ҳамкорлик электорат манфаатига қаратилса

ёки «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятига қандай мезонлар асосида баҳо берилмоқда?

Ургут туманидаги «Ҳайдаробод» фермер хўжалиги раиси Баҳрилло Усмонов тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида наслли чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банкидан талаб этилган имтиёзли кредитни ололмаётганлигига мутасаддилар эътиборини қаратди. Муаммо шу ернинг ўзида «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлими раҳбари иштирокида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Ёки Самарқанд туманида яшовчи тадбиркор, «Адолат» СДП аъзоси Фурқат Бузруковнинг ўз иссиқхонасига қуёш батареясини ўрнатиш учун кредит сўраб қилган мурожаатига ҳам ижобий жавоб берилди.

2-бет

### Ғояга қарши... тўқмоқ билан

ёхуд «инкорни инкор» қонунининг ЎзХДПча талқини

ХДПчилар бизга жавоб мақолаларида бот-бот таъкидлашганларидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП партия ғояларни илгари суради, уларга жамоатчилик, демак Ҳукумат эътиборини жалб этади. Аммо афтидан, ХДПчилар жамиятимиз тараққиёти, халқимиз манфаати учун хизмат қиладиган кўламдор ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга татбиқ этиш ҳуқуқи бошқа партияларда ҳам мавжудлигини унутиб қўйишмоқда.

Акс ҳолда «Адолат» СДПнинг қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)дан самарали фойдаланиш борасидаги ғоясига қарши тўқмоқ кўтариб чиқмаган бўларди.

3-бет

### Замон билан ҳамнафас ёшлар

Ёшларимиз буюк аждодларимиз шон-шуҳратига, бугунги Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборига, давлатимиз раҳбарининг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қилишлари керак. Зеро, ёшлар яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти мамлакатнинг куч-қудратини, эртанги порлоқ истиқболини белгилаши сир эмас.




4-бет

# Сиёсий ҳамкорлик электорат манфаатига қаратилса

## ёки «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятига қандай мезонлар асосида баҳо берилмоқда?

**Сиёсий ўқиш**

Даставвал сиёсий фаолиятга бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хулосани билдириш ўринлидир.

«Адолат» СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан кун тартибидаги долзарб масалага бағишлаб ўтказилган навбатдаги семинар икки жиҳати билан электорат учун, ҳам партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари учун фойдали бўлди. Биринчидан, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ва депутатлик гуруҳлари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда вакиллик органидаги фаолият самарадорлигини қай тариқа ошириш, ваколатлардан тўғри фойдаланиш, давлат бошқаруви идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича аниқ таклифлар олдилар. Иккинчидан, анжуманда қатнашган электорат вакиллари ўз иқтисодий муаммоларини бу ерга таклиф этилган вилоятдаги тижорат банклари раҳбарлари иштирокида муҳокама этиб, қонунлар доирасида белгиланган имтиёзларга эга бўлдилар.

Демак, партия Кенгаши депутатлар фаолиятини ўрганиш, таҳлил этиш, фаолиятни танқидий баҳолаш, уни амалий ишлар билан мустаҳкамлашга бирламчи вазифа сифатида ёндашилмоқда.

— Бу бежиз эмас, — деб таъкидлади семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Худоёр Маматов. — Чунки маҳаллий Кенгашлар, биринчи навбатда, вакиллик институтининг демократик табиатидан келиб чиққан ҳолда бевосита аҳолининг кенг қатламлари билан ўрнатиладиган ижтимоий алоқалари орқали кучли ҳисобланади. Иккинчидан, Кенгаш депутатлари ҳам ушбу алоқаларнинг узвийлигини, барқарорлигини, самарадорлигини, сифатини таъминлашда ташаббускор ва серғайрат бўлишлари лозим. Узвий муносабатларда аҳоли билан, айниқса, ўз электорати билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик, қуйидан чиқаётган ташаббус биринчи ўринга кўтарилади. Шундай муносабат орқали вакиллик органлари ҳудудий муаммолар тўғрисида аниқ ва тўлиқ ахборотга эга бўлишлари нафақат алоҳида ҳудудда, балки бутун мамлакат миқёсида аҳолининг ҳаёт даражасини янада кўтаришга ёрдам беради.

Анжуманда маъруза қилган Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров партиянинг маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини шу йўсинда ташкил этиш қандай натижалар бераётганлиги ва бу борада ечимини топмаган муаммолар нималардан иборат эканлиги ҳақида фикр юритди. Хусусан, вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ҳали-ҳануз ижро ҳокимияти раҳбарлари билан муросасозлик йўлидан чиқолмай ҳудудий муаммоларга бефарқ муносабатда бўлаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Чунончи, вилоятнинг Пахтачи, Қўшрабод, Нуробод туманларидаги депутатлик гуруҳи фаолияти ва уларнинг партия кенгашлари билан алоқалари хусусида шундай дейиш мумкин.

Шу боис «Адолат» СДП тизимида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий вазифалари ҳақида анжуманга таклиф этилган мустақил экспертларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари эшитилди. Хусусан, Самарқанд давлат университети Социология кафедраси профессори Фарҳод Набиевнинг маърузаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, СамДУнинг мазкур кафедраси «Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши билан ижтимоий шериклик тўғрисида ўзаро шартнома имзолаган. Партиянинг бевосита ташаббуси билан мазкур кафедра қошида ижтимоий назорат курси очилиб, у талабаларда сиёсий билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Эндиликда кафедранинг профессор-ўқитувчилари партия фаоллари ва унинг депутатлари орасида ҳам сиёсий машғулотлар олиб бораётгани ҳар жиҳатдан ибратлидир.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Аҳадов кейинги йилларда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар хусусида батафсил маълумот берди. Ургут туманидаги «Ҳайдаробод» фермер хўжалиги раиси Баҳрилло Усмонов тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида наслли чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банкидан талаб этилган имтиёзли кредитни ололмаётганлигига мутасаддилар эътиборини қаратди. Муаммо шу ернинг ўзида «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлими раҳбари иштирокида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Ёки Самарқанд туманида яшовчи тадбиркор, «Адолат» СДП аъзоси Фурқат Бузруковнинг ўз иссиқхонасига қуёш батареясини ўрнатиш учун кредит сўраб қилган мурожаатига ҳам ижобий жавоб берилди.

Демак, битта семинар доирасида электорат вакиллари партия Кенгаши ва унинг депутатлик гуруҳлари анча-мунча ишларга қодир эканлар деган хулосага келдилар. Шундай баҳо эса партия Кенгаши ва электорат ўртасидаги келгуси ҳамкорликлар учун муҳим ҳисобланиб ўзига хос ишонч вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Семинарда кенг қамровли масалалар, жумладан, партия Кенгаши ҳамда унинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам муҳокама этилди.

Вилоятда бугун 60 га яқин матбуот нашрлари чоп этилмоқда, 2 та телевидение ва радиоэшиттириш ижодий жамоалари фаолият юритмоқда. Бироқ депутатларнинг ёки депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг матбуотдаги чиқишлари мунтазамлик касб этмаяпти. Ҳудудий муаммоларни партия дастуридан келиб чиққан ҳолда электорат билан муҳокама қилиш ва самарали ечимларни таклиф этишда сиёсий фаоллик етишмаяпти. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими илмий ходимларининг таъкидлашича, вилоят газеталарида «Депутатнинг сиёсий позицияси» рукни остида навбат билан эълон қилиб борилаётган мақолаларда «Адолат» СДП вакиллари бўлган маҳаллий Кенгаш депутатларининг номларини аҳён-аҳёндагина учратасиз. Демак, бу борада ҳам муносабатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш пайти келди.

Қисқаси анжуманнинг айни шу тахлитда танқидий ўтказилиши партия Кенгаши ва унинг депутатлик гуруҳлари сиёсий рақобат майдонида ўз ўринларини эгаллашлари ва ҳамкорликда янада самарали фаолият юритишлари учун зарур бўлган янги вазифаларни аниқлаб берди. Энди гап — ҳамкорлик натижаларини рўёбга чиқаришда ва электорат ишончини тўла-тўкис оқлашда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири



# Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя

## халқ фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ташкил этди. Соғлиқни сақлаш соҳаси такомилига эса ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 23 фоизи йўналтирилди.

Президентимиз томонидан жорий йилга белгилаб берилган устувор вазифаларнинг тизимли жорий этилиши натижасида 2012 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,0, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1, қурилиш ишлари ҳажми 6,6 ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажми 12,5 фоизга ўсди.

Қизғин муҳокамаларда ҳисобот даврида баъзи бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг мавжуд бўлаётганлиги депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди. Шу билан бирга, фракция аъзолари бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

— Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли Давлат бюджети харажатларида муҳим эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Буни биргина ўтган йил республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсганлигининг ўзи исботлаб турибди.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда депутатлар муҳокамасига тақдим этилди.

Фракцияда муҳокама этилган масалалар депутатлар томонидан маъқулланди ва кўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири

# Депутатлар журналистларга ахборот берди

**Концепция: устувор вазифалар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қуйи палатанинг Ахборот хизмати ташаббуси билан ташкил этилаётган матбуот конференцияларини ташкил этиш анъана тусига кириб бормоқда. Ана шундай анжуманларнинг галдагиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар»га бағишланди.



Конференцияда Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда 2012 йил 19 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар асосида Қўмита ҳам ўз фаолият йўналишини белгилаб олганлиги ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар ва муҳокамадаги қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида қўмита томонидан Концепцияда белгиланган устувор йўналишларга бевосита дахлдор бўлган 3 та, шу жумладан, 2 та янги қонун лойиҳаси ва 1 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Хусусан, Концепцияда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда жорий йилнинг 27 апрелида кучга кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўмита аъзолари масъуллигида тайёрланди. Айни вақтда эса «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қўмита томонидан иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси рухсатномалар бериш тизимини бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш имкониятини беради. Шу билан бирга, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларидан ўтиш шартлари ва тартибларини бирхиллаштиради. Қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини амалга оширишдаги ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуманда қўмита аъзолари ўз йўналишлари доирасида қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, аниқ ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга қаратилган назорат-таҳлил фаолияти хусусида ҳам ахборот беришди. Бунда соҳа мутахассислари ва экспертларнинг тажрибаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганлиги, бу эса ўз навбатида қонунлардаги баъзи нуқсонларни вақтида аниқлаш, қонунлар устидан олиб борилаётган мониторинг самарасини оширишга хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент қарорлари, Давлат бюджети, халқаро ҳужжатлар, давлат ва миллий дастурлар ижросини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ўрганиш мақсадида 3 та конференция, 5 давра суҳбати ва 5 та семинар ташкил қилинди. Хусусан, «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар» мавзусида конференция, «Мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш: истиқболлари, муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусида семинар, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-амалий халқаро давра суҳбати ўтказилган.

Матбуот анжуманида депутатлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Тадбирда Қонунчилик палатасининг Саноат, қурулиш ва савдо масалалари қўмитаси фаолиятига доир видеоролик ҳам намойиш этилди.

**Фарҳод ЭРКИНОВ,**
«Adolat» мухбири

# «Ўзбекистон — барқарор ривожланиш йўлида»

**Тадбир**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Бектемир туман ҳокимлигида «Ўзбекистон — барқарор ривожланиш йўлида» мавзуида давр суҳбати бўлиб ўтди. Бектемир туман ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия шаҳар ва туман кенгаш раислари, партия фаоллари, туман ҳокимият вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган оламшумул ютуқлар ҳақида сўз юритилиб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни асраш, ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига ҳар бир партия аъзоси муносиб ҳисса қўшиши лозимлиги таъкидланди.

— Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган мустақиллик ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни халқимизга эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини берди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, сиёсий фанлар доктори Саидхон Саидолимов. — Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини ривожлантиришда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка тушунтириш, шу орқали аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш асосий вазифамиз саналади.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

# Ғояга қарши... тўқмоқ билан

## ёхуд «инкорни инкор» қонунининг ЎзХДПча талқини

**Партиялараро баҳс**

Инсон табиати ғаройиб. Баъзида алоҳида индивид ҳамма учун, ҳеч бўлмаганда аксарият учун тушунарли бўлган оддийгина ҳақиқатни англаб етиши учун бутун умрини сарфлайди, ачинарли томони шундаки, айрим ҳолларда жўнгина аксиомани мутлақо қабул қилмай, инкор этиб ўтиб кетади. Мутафаккирлардан бири айтганидек, нигилизмга асосланилган ўжарлик охир-оқибат мантиқдан буткул холи қайсарликка айланади. Энди бундай одам бемалол «оқ»ни «қора» деб атайди, нафақат атайди, балки шунга мутаассибларча ишонади ҳам. Нима ҳам дердик, буни ҳаёт деб қўйибдилар. Аммо шундай воқелик партия фаолиятида ёинки сиёсий кучнинг нашрида дам-бадам намоён бўлаверса, киши беихтиёр ўйланиб қоларкан, ёинки ён-атрофга яна бир бор аланглаб қараб қўяркинки, қайси асрда яшаяпмиз ўзи, биродарлар, дегандай.

Ҳа, ХДПчилар бизга жавоб мақолаларида бот-бот таъкидлашганларидек, Ўзбекистон “Адолат” СДП партия ғояларини илгари суради, уларга жамоатчилик, демак Ҳукумат эътиборини жалб этади. Аммо афтидан, ХДПчилар жамиятимиз тараққиёти, халқимиз манфаати учун хизмат қиладиган кўламдор ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга татбиқ этиш ҳуқуқи бошқа партияларда ҳам мавжудлигини унутиб қўйишмоқда. Акс ҳолда улар сайловолди дастурида аниқ-тиниқ «Энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партия диққат марказида бўлади. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади», дея белгилаб қўйилган «Адолат» СДПнинг қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)дан самарали фойдаланиш борасидаги ғоясига қарши тўқмоқ кўтариб чиқишмаган бўлишарди. Гап «Ўзбекистон овози» газетасининг 7 июнь сонида эълон қилинган «Қуёш нурларидан муқобил электр қуввати олинаётир» мақоласи хусусида. Муаллиф «Адолат» СДПни... бу борадаги ғояни илгари сураётгани учун камситади. Қани бу ерда мантиқ? Ахир бундай ёндашув ҳар қандай партия ғояларини илгари суриши мумкинлиги ҳақидаги «Ўзбекистон овози» газетасининг олдинги сонларида эълон қилинган мақолаларни инкор этишку. Бошқача айтганда, инкорни инкор этишнинг ХДПча усули.

Мақола муаллифи қуёш нурларидан муқобил электр қуввати олиш масаласида «*Бундан 10-15 йил илгари... хорижлик тадбиркорлар томонидан кўплаб таклифлар билдирилган ва тажриба сифатида дастлабки ишларга қўл урилган*»лигини таъкидлаб ўтади. Нақадар соддалик! Тўғрироғи, бурни тагидан нарини кўролмаслик! Нима, хорижлик тадбиркорлар (?) 10-15 йил бурун бу ишни бошлаб қўйишган экан деб, қўл қовуштириб ўтириш керакми? Айтайлик, ўтган асрнинг 20-30 йилларида «Биринчи телевизор аллақачон Тошкентда синовдан ўтиб бўлибди, бу янгилик эмас» дея хорижлик олимлару мутахассислар бу соҳадаги фаолиятларини йиғиштириб қўя қолганларида тараққиёт қайси йўлдан кетган бўларди? Янгироқ мисол керакми? Марҳамат. Инновацион технологиялар яратишга асосланган дастлабки технопарклар ўтган асрнинг ўрталарида АҚШда пайдо бўлди, гуллаб-яшнади. Аммо Ҳиндистон «Бу янгилик эмас экан», деб осмонга қараб ўтирмади: Бангалор штатида дастлабки «силикон водийси»ни яратди ва бугунги кунда бутун дунё, жумладан, АҚШ ҳам айнан ҳиндларнинг дастурий таъминотларини сотиб олмоқда.

Дарвоқе, битмас-туганмас энергия манбаи бўлган Қуёшни нима учун бу қадар «Адолат» СДПдан қизғанаётганини тушунмасак-да, мақола муаллифига эслатиб ўтмоқчимиз. Қайта тикланувчи энергия манбаларига қуёш нурларидан ташқари шамол, чиқиндилар, гўнг, биомассалар ҳам киради. Инсон ўз табиатига кўра истеъмолчи. Аммо истеъмолчилик келгуси авлодлар ризқини қийиш эвазига бўлмаслиги керак. Энергия истеъмоли йилига ўрта ҳисобда 12 фоизга ошиб бораётган сайёрамизда яқин 30-40 йилдан кейин бу соҳада жиддий танқислик содир бўлиши эҳтимолга яқин. Шу сабабли бутун дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларига келажак фаровонлигини таъминловчи халоскор омил сифатида қаралмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида ҚТЭМга дунё бўйича 120 миллиард АҚШ долларилик инвестиция маблағи йўналтирилганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ваҳоланки, юртимиздаги бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларининг 97 фоизини нефть ва газ, 2,3 фоизини кўмир ташкил этгани ҳолда, ҚТЭМнинг салмоғи 1 фоизга ҳам етмаяпти. Экспертларнинг баҳосига кўра, мамлакатимизда 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг ҚТЭМ мавжуд ва бундай улкан бойликдан фойдаланишга интилмаслик мумкин эмас.

Энг асосийси, «Адолат» СДП ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш ғоясини илгари суриш билан бир қаторда бу ғоянинг кенг кўламда амалиётга татбиқ этилишига ҳам эришмоқда. Партия фаолиятида энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

«Адолат» СДП ўзининг дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш жараёнида мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, яқинда Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши “Ихлос Бизнес Барака” корхонаси, “Olmaliq metall Konstruksiya” МЧЖ корхонаси, Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Тошкент вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда биогаз ва биоўғит ишлаб чиқарувчи қурилмаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида келишув имзолади. Айнан партиямиз ғояси асосида “Olmaliq metall Konstruksiya” МЧЖда биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қурилмаларни тадбиркорларга иссиқхона, ғишт заводи, иситиш манбалари учун, шунингдек, электр энергияси олиш мақсадида фойдаланиш учун сотиб олиш таклиф этилмоқда. Жумладан, у тайёрлайдиган 100 м³ ҳажмли биогаз қурилмасида 500 м³ газ ва 5 тонна биоўғит, 50 м³ ҳажмли биогаз қурилмасида 250 м³ газ ва 3 тонна биоўғит, 25 м³ ҳажмли биогаз қурилмасида 125 м³ газ ва 1,7 тонна биоўғит ҳосил қилинади.

Тошкенг вилояти Охангарон тумани, “Янги ҳаёт” ҚФЙдаги “Имкон Ҳамкор Ишонч Боғи” фермер хўжалигида биогаз ускунасининг биринчи навбати ишга туширилиш арафасида. У суткасига 5 тонна қорамол ва товуқ гўнгги ҳамда ўсимлик чиқиндиларини хомашё сифатида ишлатади. Қурилманинг фермент ҳосил қилувчи цистерналарининг ҳажми 75 м³ бўлиб, суткасига 300-350 м³ биогаз ва 5 тонна биоўғит ҳосил қилади.

«Адолат» СДП инновацион соҳадаги ғояларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК билан ҳам ҳамкорлик қилаётгани ва бу борада ҳамкорлик дастури мавжудлиги хусусида ҳам ХДПчиларнинг хабари бўлмаса керак. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика — Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил қилинган тадбирда мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати, унинг иқтисодий ҳамда экологик афзалликлари, соҳага доир қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари, шунингдек, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашлари фаоллари билан «Ўзбекистон энергетикасининг инновацион тараққиёти — Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаси» мавзуида ўқув-семинари ташкил этилди. Партиямизнинг парламент қуйи палатасидаги фракция депутатлари томонидан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан бу борада маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда.

Бевосита «Адолат» СДП иштирокида яратилган биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси макети эса инновацион лойиҳа сифатида республика V ярмаркасида намойиш этилди ва иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “Адолат” СДП қошида тузилган “Инновацион технологияларни, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази” бевосита корхона, ташкилот, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, оилавий бизнес ҳамда фуқароларга инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни ривожлантириш ҳамда чиқитсиз технологияларни тарғиб этиш каби лойиҳалардан фойдаланишларига кўмаклашади. Уларга муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг илғор технологияларини жорий этиш, чиқиндилардан биогаз олиш ҳамда ер унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган биогумус, Калифорния чувалчангидан фойдаланиш каби йўналишларда билим ва кўникмалар беришни кўзда тутади.

Дарвоқе, марказ мазкур вазифаларни амалга оширишда жойлардаги давлат, ННТ ва жамоат ташкилотлари, банклар, айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларини партия фаоллари билан ҳамкорликка чақиради.

Албатта, кичкина мақола доирасида «Адолат» СДП бу соҳада олиб бораётган ишларнинг ҳаттоки бир қисмини ҳам санаб ўтиш имконсиз. Айтиш мумкинки, қаламга олганларимиз денгиздан томчи, холос. Афсуски, «Ўзбекистон овози» мухбирларининг оммавий ахборот воситаларини кузата олмаётганликлари сабаблими, улар «Адолат»нинг амалий ишларидан кўпинча бехабар қолиб кетаяптилар...

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. «Ўзбекистон овози» мухбири мақоласи хотимасида ҳеч иккиланмасдан ёзади: «*Қуёш нуридан электр энергияси олишни кенг жорий қилиш ҳақида гапираётган «Адолат» СДП бу борада аниқ таклиф айтиб, унинг ижросини таъминлай олса, амалий иш қилган бўлади. Акс ҳолда, бугун Фарғонада қилинаётган ишларга ҳам «адолат»чилар эртага эгаликка даъво қилиши мумкин*». Аввало, «Адолат» бировнинг ишига эгалик қилишга зор эмас, аксинча, ҳаммани жон-жон деб ҳамкорликка чақираётганини, уларни тегишли инновацион технологиялар билан таъминлашга ҳам тайёрлигини юқорида қайд этиб ўтдик. Бошқа муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳам, худди сахий Қуёш нури янглиғ, ҳаммамизга етади, ҳатто ортиб ҳам қолади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, барчасини инкор қилишга шошаётган «Ўзбекистон овози»нинг муҳтарам мухбири, Фарғона политехника институтига бориб, масалани ўрганаётган маҳали фақат ўзининг манфаатига хизмат қиладиган далилларни олиш билан чекланиб қолганга ўхшайди. Зеро, мақолада тилга олинган муассасада Ўзбекистон Республикаси “Адолат” СДП Фарғона вилояти Кенгаши аъзоси, техника фанлари доктори, профессор А.Касимахунова ва партия аъзоларидан техника фанлари номзоди Л.Мамадалиева ҳамда М.Номоновалар томонидан вилоятда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича кенг кўламли илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда! Келинг, маълумот ўрнида мухтасар тарзда эслатиб ўтайлик: Фарғона давлат Политехника институтининг энергетика факультетининг илмий ходимлари томонидан кўп йиллардан бери ноанъанавий турдаги энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ишлари олиб борилмоқда. Зеро, сўнгги пайтларда дуч келинаётган энергия танқислиги ҳар қандай шароитда ҳам муқобил энергия турларидан фойдаланиш масаласини кўндаланг қилиб қўйган.

Тадқиқотчилар ясаш технологияси унчалик мураккаб бўлмаган термоэлектрик энергия ўзгартиргичларини кенг ишлаб чиқиш ишларини йўлга қўйишда бошқа турдаги энергия манбаларидан, масалан, шамол энергиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги борасидаги (қуёш батареяларини ҳам яратишдан воз кечмаган ҳолда!) рационализаторлик таклифлари билан чиқиб, вилоят ҳокимлигининг эътиборини жалб этди. Жорий йилнинг 15 апрель куни вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган олим ва ихтирочилар иштирокидаги ишчи семинарда мазкур таклифлар бўйича амалий ишлар олиб бориш юзасидан Фарғона Политехника институти олимлари ва Фарғона механика заводи ўртасида ижодий-технологик шартнома тузилди. Унга кўра иккита йўналиш бўйича ишлашга келишиб олинди:

— фототермоэлектрик энергия ўзгартиргичлар асосида енгил автомобиллар аккумуляторларининг автоном зарядлаш қурилмаси конструкциясини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;

— индивидуал уйлар учун автоном шамол электростанциялари конструкцияларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш.

Биринчи масаланинг долзарблиги шундаки, ҳар қандай автомобиль аккумуляторларга эга бўлиб, маълум вақт эксплуатация қилингач, уни зарядлаб туриш эҳтиёжи туғилади. Аммо зарядлаш қурилмасини улаш имконияти бўлмаган ҳудудларда, масалан, чўл, тоғ (юк машиналари, ҳарбий автомашиналар) зоналарида муаммолар пайдо бўлади. Шунда бевосита қуёш энергиясидан озиқланувчи автоном, осон кўчириб олиб юрилса бўладиган фототермоэлектрик зарядлаш қурилмалари муаммони ижобий ҳал этади. Улар ихчам, кўпйиллик ва экологик тозадир.

Иккинчи масала нафақат якка тартибдаги уйлар учун қулай, балки деҳқончилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари учун ҳам жуда кераклидир. Негаки насос қурилмаларини электр билан таъминлаш масаласи ёз мавсумида ўта долзарб. Мутахассисларнинг ҳисобича, ишлатилган электр энергияси тўловини шамол электростанциялар учун сарфланса, иқтисодий жиҳатдан ютиш мумкин.

Лойиҳаларга илмий раҳбар этиб техника фанлари доктори А.Касимахунова тайинланди. Масъуллар: “Электр энергетикаси” кафедрасининг мудири, техника фанлари номзоди, доцент Т.Жабборов ва «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашининг раиси Н.Шодиевлардир.

Иш икки босқичдан иборат. Биринчи босқич бўйича олиб борилган ишлар натижалари ҳисобот ва лойиҳа кўринишида механика заводи маъмуриятининг эътиборига режага мувофиқ 5 май куни топширилди. Иккинчи лойиҳа бўйича ҳисоб-китоб ишлари, материаллар йиғиш якунланмоқда. Мазкур ишни 25 июнга топшириш режалаштирилган.

Ҳар иккала босқичда бажарилган ишлар ҳам давомийдир, яъни лойиҳа асосида тайёрланган конструкциялар экспериментал синовлардан ўтгач, катта қувватга эга бўлган манбалар ва станциялар устида ишни давом эттириш назарда тутилган.

Ҳозирги кунда муқобил энергия турларидан бўлган қуёш энергиясидан фойдаланишнинг дастлабки йўли — бу ярим ўтказгичли материаллар технологияси йўлга қўйилган йирик заводлар қуриш ёки фаолият кўрсатишдан тўхтаган заводларни модернизация қилиб, мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан бу масала ҳам мутахассислар ҳамкорлигида ўрганиб чиқилмоқда. Чунки бугунги кунда вилоят ҳудудида ўзини оқлай олмаган заводлар, туриб қолган кимёвий цехлар бинолари мавжуд. Улардан оқилона фойдаланилса мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга янада салмоқли ҳисса қўшиш мумкин.

Юқоридаги илмий-амалий ишлардан ташқари вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан вилоят партия Кенгаши аъзоси, техника фанлари доктори, профессор А.Касимахунова раҳбарлик қилаётган гуруҳ томонидан Қуёш энергиясидан йилнинг тўққиз ойи мобайнида фойдаланиш имконини яратадиган махсус мослама ишлаб чиқилиш арафасида. Вилоят партия Кенгаши Марғилон ва Фарғона шаҳарларида фаолият юритаётган махсус цехларда тайёрланган сув иситгич мосламаларини биринчи бўлиб боғча, интернат ва болалар уйларига фойдаланиш учун топширишни режалаштирган. Келажакда вилоят партия Кенгаши шаҳар, туман кенгашлари билан чекка ҳудудлардаги ҚВП ва ўрта таълим мактабларида ҳам муқобил энергия ҳамда ҚТЭМдан кенг кўламда фойдаланишни мўлжалламоқда...

Асримизни айрим мутахассислар муқобил энергия асри деб ҳам аташмоқда. Шубҳасиз, бу тўғри нуқтаи назар. Ўзбекистон «Адолат» СДП асримизнинг бу даъватига «лаббай» дея жавоб бера олган сиёсий кучга айланмоқда. Бу жараёнда партиянинг ўта долзарб ғоясига нисбатан нотўғри қарашлар ва талқинлар ҳам бўлиши мумкиндир. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам биз холислик ва адолат тарафдоримиз.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Бугунги кунда Ўзбекистон номи дунёда баралла янграмоқда. Юртимизда тинчлик, миллатлараро тотувлик, кишилар қалбида яхшилик ва эзгулик ҳисси ҳукм сурмоқда. Ёшларимиз ўзлари учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда илм ўрганиб, Ватанимиз шон-шуҳратини янада оширишга интилмоқдалар. Юртимиз, вилоятларимиз, шаҳарларимиз, қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, янгича мазмунга эга бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз байрам, хурсандчилик ва тўй-у томошалар билан ўтмоқда.

# Янги тарихнинг жонли кўзгуси

## Президентимиз асарини ўрганиш биз ёшларни янги зафарлар ва шижоатга ундамоқда




Бундай фаровон ҳаёт ҳамма учун яхши, албатта. Бироқ бу кунларга биз қандай эришдик? Бунинг учун кимлар заҳмат чекишди, кимларнинг қони тўкилди, кимлар бу учун ўз умрини бахш этди? Айнан мана шу саволларни мустақилликнинг бизга берган неъматларидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир инсон ўзига бериши ва бу саволларга ҳам ақлан, ҳам қалбан жавоб топа олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мустақилликка эришиш арафасида рўй берган мураккаб воқеалар, олиб борилган курашлар, амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш лозим. Зеро, тарихни яхши ўрганмасдан туриб, рўй берган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қилмасдан туриб келажакни кўриб бўлмайди. Бу эса айнан шу давр тўғрисида бизга тўлиқ маълумот берадиган ҳамда бўлиб ўтган воқеаларни кўз олдимизда гавдалантирадиган ишончли манбаларни чуқур ўрганишни тақозо этади.

Айнан мана шундай муҳим заруратни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари чоп этилди. Ушбу асар мустақилликка эришиш арафасида рўй берган тарихий воқеа-ҳодисалар ва озодлик учун олиб борилган курашлар ҳақида ҳикоя қилади. Унда Юртбошимизнинг мустақилликни қўлга киритиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки даврида олиб борган фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсати ва амалга оширган ислоҳотлари ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, ушбу асар юртимизнинг янги тарихига оид энг ишончли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган манба ҳисобланади.

Шу кунларда халқимизнинг яқин ўтмиши, мустақилликка эришиш учун олиб борилган курашлар ва амалга оширилган улкан ислоҳотлар тўғрисида биз ёшларга тўлиқ ва ҳаққоний ҳужжатлар асосида маълумотлар бериш мақсадида мазкур асарни чуқур ўрганиш давом этмоқда. Бу борадаги тадбирлар узлуксиз амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги барча олий ўқув юртларида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга мўлжаланган махсус курслар йўлга қўйилган. Таълим масканларида ушбу китобнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида олийгоҳларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари маърузалар қилишмоқда, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар ва амалий ишлар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Институтимизда фаолият кўрсатаётган етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар томонидан ушбу китобнинг туб моҳияти, ундаги долзар масалалар бирбиридан қизиқарли маърузалар, мунозарага бой давра суҳбатлари ва тасвирий маълумотлар, видеофильмлар асосида талабаларга етказилмоқда. Машғулотлар замонавий техник қурилмалар билан жиҳозланган ўқув хоналарида ўтказилмоқда. Ҳар бир маъруза ва амалий машғулотларнинг замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўтказилаётганлиги талабаларимизнинг ушбу китобни ўрганишга бўлган иштиёқини янада оширмоқда. Умуман олганда, янги тарихимизга оид ҳаққоний далиллар асосида яртилган ушбу асар ва ундаги долзарб масалалар профессор-ўқитувчиларимиз томонидан ташкил этилаётган юқори савиядаги маъруза ва амалий машғулотларда биз талаба-ёшларга тўлиқ тушунтириб берилмоқда.

Мен каби институтимизда таҳсил олаётган кўплаб талабалар ушбу асарни тажрибали устозларнинг маърузалари, ўқув қўлланмалари ва электрон дарсликлари орқали чуқур ўрганиб, маълум хулосаларга келмоқдалар. Энг аввало, республикамизнинг барча олий ўқув юртларида таҳсил олаётган биз талаба-ёшлар мустақиллигимизнинг қанчалик машаққатлар билан қўлга киритилганлигини чуқур англашимиз ва уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз керак. Иккинчидан, ҳар биримиз мустақиллик берган неъматларга шукроналар қилиб, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни асраб-авайлашимиз ғоят муҳимдир. Учинчидан, биз ёшлар учун давлатимиз томонидан оталарча қилинаётган ғамхўрлик ва билдирилаётган ишончни оқлашимиз лозим. Тўртинчидан, Ватанимизнинг келажакдаги равнақи учун ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, олаётган билимларимиз билан ҳиссамизни қўшишимиз ва бу орқали Ватанимиз, Юртбошимиз ва ота-оналаримиз олдидаги фарзандлик бурчимизни тўлиқ адо этишимиз зарур.

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китобининг мазмун-моҳияти билан танишиш натижасида биз ёшларнинг қалбида она-юрт учун, Ватан учун фидойилик ҳисси янада кучаймоқда.

**Олмос ОЧИЛОВ,**
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси

# Замон билан ҳамнафас ёшлар

**Парламентда**

Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти партиянинг дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, улар онгига Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларимизга садоқат туйғуларини сингдириш, сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Шу мақсадда турли мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинг, очиқ мулоқот ҳамда конференциялар ўтказилаяпти.



Шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ва партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан «Замон ва тарих билан ҳамнафас бўлган ёшларни тарбиялаш — давр талаби» мавзуида ўтказилган давра суҳбати бўлди. Унда партия фракцияси аъзолари, «Ёш адолатчилар» фаоллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар, унда талаба-ёшларни турли ёт ғоялар, оммавий маданият таҳдидларидан ҳимоялаш каби устувор вазифаларга қаратилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан фракция аъзолари салоҳиятли ёшлар мамлакат истиқболини белгилашларига урғу бериб, ёшлардан замонавий билимларни ўзлаштириш билан бирга юрт, ватан тарихини, унинг ҳар бир даврини, айниқса, сиёсий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқурроқ таҳлил этишга ундадилар.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари И.Саифназаров мамлакатимизда ҳар томонлама етук ёш авлодни камол топтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида тўхталар экан, ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ота-боболаримиз ким бўлганини ёдда тутиш, улуғ аждодларга муносиб авлод бўлиш эртанги кунимизни белгилайди. Ҳаммамиз ҳам улкан маданиятга, бой маънавиятга эга ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган миллат вакиллари эканимиздан ҳамиша ғурурланамиз, — деди фракция раҳбари. — Ёшлар шу билан бирга, буюк аждодларимиз шон-шуҳратига, бугунги Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборига, давлатимиз раҳбарининг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қилишлари керак. Ёшларнинг яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти мамлакатнинг куч-қудратини, эртанги порлоқ истиқболини белгилаши сир эмас.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси М.Аҳмедовнинг «Замон ва тарих билан ҳамнафас бўлган ёшларни тарбиялаш — давр талаби» мавзусидаги маърузасини ёшлар катта қизиқиш билан тинглашди.



— Барча шаҳар ва қишлоқлар, — деди маърузачи, — таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда вояга етиши, жамиятда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраш, уларни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида юксак маънавиятли инсонлар этиб камолга етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси З.Ботирова «Интеллектуал ривожланган ёшлар — жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи» номли маърузасида таъкидлаганидек, ахборот глобаллашуви даврида бугунга келиб, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғи, мобил алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари орқали «оммавий маданият» ниқоби остида миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт зарарли ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Бундай шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафкуралар таъсиридан сақлаш, миллатимизнинг эртаси бўлган азиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Юртбошимизнинг шу йил 9 май куни Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган суҳбатида бундай хатти-ҳаракатлар замиридаги носоғлом ниятлар таъсирчан мисоллар билан тушунтириб берилди, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, минтақамиз ва жаҳондаги мавжуд вазиятга доир ўта муҳим ғоя ва хулосалар баён этилди. Ана шу фикрларни халқимиз, аввало, ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидландики, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларини, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ўқиб-ўрганиш маънавий ҳаётимизни юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Фракция аъзоси К.Ҳамидова ёш авлодни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қобилият ва қизиқишларини тўғри йўналтириб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, амалга ошириш борасидаги ишлар барчага катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлади.

Айтиш керакки, самимий мулоқотларда ёшлар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашди.

— Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликка ўз билимимиз ва салоҳиятимиз билан муносиб жавоб қайтаришимиз керак, — деди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейнинг 3-босқич талабаси Шукрулло Анваров. — Биз кимларнинг авлоди эканлигимизни унутмаслигимиз, уларга муносиб ворис бўлишимиз ва шу билан бирга, ҳур Ватанимиз равнақи йўлида жонимизни ҳам аямаслигимиз шарт.

Маълумки, юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар Ватанимиз эртаси, келажаги. Шундай экан, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ёшларни сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшиши зарур. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам бу борада, хусусан, ёшларнинг барча жабҳалардаги ислоҳотларда кенг ва фаол иштирокини таъминлаш, жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш туйғусини шакллантириш мақсадида муайян ишларни амалга ошириб келмоқдаки, мазкур тадбир ҳам ана шу амалий ишларнинг узвий давоми, десак адашмаган бўламиз.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири

**Депутатлик гуруҳи**

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашларига яқиндан кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Нафақат марказ, балки чекка қишлоқларда ҳам барпо этилаётган замонавий — барча шарт-шароитларга эга умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва спорт иншоотлари ўғил-қизларимизнинг орзу-истаклари ва истеъдодларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

# Кадрлар масаласи — долзарб масала

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, таъкидлаш жоизки, касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини янада ошириш йўлида катта қадам бўлди. Мазкур қарордан келиб чиқиб касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларга бўлган эътибор янада ортди.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлардан таркиб топган депутатлик гуруҳи мазкур қарордан келиб чиқиб, вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида фаолият юритаётган педагог кадрлар салоҳияти билан боғлиқ масалаларни таҳлилдан ўтказди. Депутатлар гуруҳларга бўлиниб, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод ва Асака туманларидаги мавжуд касб-ҳунар коллежларида юқоридаги масалаларни ўргандилар.

— Ушбу қарорда кўрсатиб ўтилганидек, касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини ошириш олдимиздаги долзарб вазифалардан биридир, — деди вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари А.Назаров. — Бугунги кунда барча талабларга жавоб берадиган касб-ҳунар коллежлари етарлича барпо этилди. Ёшларга самарали билим беришда эса малакали кадрлар даркор. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим касб-ҳунар коллежларидаги ўқитувчиларда ташаббускорлик, салоҳият етишмаяпти. Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Андижон туманидаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида айнан ана шу мақсадга қаратилган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорида кўзда тутилган бош мақсад, малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарблиги, касб-ҳунар таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ўзаро фикр алмашинилди.

— Бугунги кунда вилоятимизда 129 та касб-ҳунар коллежлари фаолият юритмоқда, — деди вилоят Кенгаши депутати Илҳомжон Икромов. — Жорий йилда мавжуд коллежларни 47 минг нафар ўқувчи битиради. Ана шу битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳам жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардандир. Депутатлик гуруҳимиз назорат-таҳлил давомида ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлик гуруҳи томонидан ташкил этилган ана шундай тадбирларда маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Ёшлар келажаги билан боғлиқ масалаларга нафақат таълим муассасалари ходимлари, балки ота-оналар, кенг жамоатчилик ҳам масъул, дея таъкидланди тадбирда. Зеро, ёшлар мамлакат тараққиётининг пойдеворидир.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

# Мева-сабзавотчилик ва узумчилик

## уни интенсив усулда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим

Давоми. Боши 1-бетда

Шу сабабдан соҳани ривожлантириш учун мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2006 йил 9 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилди, боғ ва токзорлар ўз эгасини топиб, уларнинг унумдорлиги, ҳосилдорлиги ошишига эришилди.

Бундан ташқари, Республикада ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарорлари қабул қилиниб, улар ижросини таъминлаш йўлида тегишли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди.

2007 йилдан бошлаб Ҳукумат томонидан мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва фойдаланиш баланси йўлга қўйилди.

Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган майдонлари 75,8 минг гектарга, 2012 йилда эса қариб 30 минг гектарга қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ер майдонларининг кенгайтирилиши тармоқни янада ривожлантиришга қаратилган катта эътиборнинг яққол мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Бунинг натижасида республикада 120 минг тонналик мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сақлайдиган замонавий музлатгич омборхоналар қуриш белгилаб олинди.

Сир эмас, сўнгги йилларда аҳоли сони ортиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг кўпайиши натижасида, жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда катта чора-тадбирлар режаси амалга оширилаяпти.

Соҳанинг барча тармоқлари каби, айниқса, мева-узумчилик тармоғини интенсив технологиялар асосида ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада мамлакатимизда суғориладиган, лалми ва қир-адир ерларда янги боғдорчилик хўжаликлари барпо этиш, интенсив мевали боғ ва токзорлар яратиш ҳамда, тез ҳосилга кирувчи пакана ва ярим пакана пайвандларга уланган мевали дарахт кўчатлари етказиб бериш борасида Ҳукумат даражасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, боғ ва токзорлар майдони кенгайтирилиб, эски боғ-токзорлар қайта таъмирланмоқда, интенсив типдаги боғзорлар вужудга келтирилаяпти. Мева ва узум маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича цехлар, корхоналар ва музлатгич омборхоналари қурилмоқда.

Шу ўринда алоҳида урғу бериб айтиш керакки, ишлаб чиқарилаётган мева-узум маҳсулотлари ўсиб бораётган халқимиз ва хомашёни қайта ишлаш саноати эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш учун ҳали яна талайгина ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Чунончи, соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, тармоқни интенсив ривожлантириш учун биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур. Масалан, Туркия, Польша, Украина, Хитой каби қатор хорижий давлатлардан келтириб парваришланаётган кўчатларни бугунги кунда муайян бир ташкилот эмас, балки турли МЧЖлар ва фермер хўжаликларининг ўзлари ҳам шартнома асосида олиб келишни кенгроқ ёймоқ керак. Зеро, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини импорт қилишга доир нормалар аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра мамлакатимизга олиб кирилаётган кўчатларни Интродукцион-карантин кўчатхоналарида икки йилгача парваришлаш ва уни тўла назорат қилингандан кейин ўрнатилган тартибда ишлаб чиқаришга жорий этиш белгилаб қўйилган.

Аммо хориждан олиб келинаётган кўчатларнинг аксарияти Интродукцион-карантин кўчатхоналарида назорат қилинмасдан тўғридан-тўғри фермерлар даласига экилиши ҳолатлари учрамоқда. Бу эса турли касаллик ва зараркунандалар кўпайиши, маҳаллий навлар ва маҳаллий генофондларга зарар етказиши хавфини орттирмоқда.

Шу боис бу борадаги ишларни қонун билан янада мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда қонун ташаббускорлиги асосида тайёрланаётган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ушбу тармоққа оид алоҳида бўлим ва нормалар ўз аксини топиши керак, албатта.

Сўнгги пайтларда дунё илмий атамашунослигида «Генетик ўзгартирилган организмлар», «Генетик ўзгартирилган маҳсулотлар», «Генетик ўзгартирилган уруғлар» каби янги илмий тушунчалар пайдо бўлди. Бугунги кунда биотехнологиялар, ген инженерияси йўналишида ҳужайра ва молекула даражасида амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ўз ўрнида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси хусусиятларини олдиндан белгиланган турларини юзага келтирмоқда.

Мазкур масалалардан келиб чиққан ҳолда айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» сингари Қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилмоқда.

Айни шу масалаларга бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш: янги боғ ва токзорларга интенсив технологияларни жорий қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий асослари» мавзусида икки кунлик илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда билдирилган таклиф, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар партиянинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан «Адолат» СДП фракцияси аъзолари мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни интенсив усулда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайди. Шунингдек, соҳага замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда соҳани тежамкор, унумли техникалар билан таъминлаш ва адирларда, лалми, тоғ ҳамда тоғ олди ҳудудларида томчилатиб суғориш технологиясини самарали татбиқ қилаётган ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш лозим деб ҳисоблайди.

**Алишер АКРОМОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

# ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ: тинчлик ва юксалиш йўлидаги ҳамкорлик

Давоми. Боши 1-бетда



Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта Хитойга буюрган расмий ташрифи алоҳида эътиборга сазовордир, чунки мазкур ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ўтган йиллар давомида эришилган диққатга молик барча муваффақиятларни нафақат мустаҳкамлади, балки ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди.

Хитой раҳбари Ху Цзинтао таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Президенти ташрифининг аҳамиятли томони Хитой ва Ўзбекистон биргаликда муҳим тарихий воқеани, мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонлаётган бир пайтга тўғри келди. Тарихий аҳамиятга эга ташриф асносида, бир томондан, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган йигирма йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижалари сарҳисоб қилинди.

Иккинчи томондан, томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоладилар-ки, буларнинг бари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ишончли ва дўстона муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Икки давлат раҳбарлари томонидан Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланганлигини ҳақли равишда ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди, дейиш мумкин. Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияда баён этилган қоидаларни самарали амалга ошириш давлатларимизнинг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос келиши билан бирга Марказий Осиё минтақасида барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дунёда энг нуфузли давлатлардан бири бўлган Хитой Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ташаббусларига, барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига юксак баҳо берди. Албатта, бу эътирофнинг ўзига хос сабаблари бор. Энг аввало, Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тарихан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтиш ўринли. Ўшанда Афғонистон омили туфайли бутун минтақада сиёсий вазият қай тарзда ривожланиши мавҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари амалда таназзулга учраган эди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаб қолиш ниҳоятда қийин кечди. Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилди. Натижада бугунги кунга келиб мамлакатимиз минтақада ва халқаро майдонда ўз овозига, сўзига, нуфузи ва ўрнига эга бўлди.

Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Хитой раҳбариятининг ҳар томонлама пухта ўйланган ва ўзгармас сиёсий йўли, унинг ягона Хитой, жумладан, Тайван ва Тибет бўйича принципиал сиёсати, "уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва айирмачилик"ка қарши олиб бораётган муросасиз кураши Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қатъий ва изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келинаётгани учун миннатдорлик билдиргани ҳам икки мамлакат барча даражалардаги фаол мулоқотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётгани, ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Савдо-иқтисодий мунсобатлар хусусида гап кетганда, кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг қирқ баравардан зиёд ошгани унинг жадал ўсаётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, сўнгги бир неча йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликнинг қарийб барча йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди.

Бироқ икки мамлакатда ҳам савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар ва улкан салоҳият мавжуд. Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Бундан ташқари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши биргаликда курашиш ҳам ташкилотнинг асосий вазифалари сирасига киради.

ШҲТ таркибига кирувчи давлатлар ҳудуди Евроосиё умумий ҳудудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн кв. км.ни ташкил этади. Демографик жиҳатдан эса дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида истиқомат қилади.

Жаҳон тажрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишнинг самарали усули мустаҳкам ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШҲТнинг ўз олдига қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир.

**...дунёдаги вазиятнинг ривожланиши ва глобал ўзгаришлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, "оловли нуқталар"нинг сақланиб тургани, турли минтақаларда ва, аввало, барчамизга яқин бўлган Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик хавфи ШҲТдек халқаро ташкилотни тузиш ва шакллантириш ҳаётий зарурат эканлигини ва бу иш ўз вақтида амалга оширилганини тасдиқлайди.**

сармояси ва юқори технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳалардаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маиший техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатидаги тажрибасига, инновацион соҳадаги янгиликларига қизиқиш билан қарайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Пекинга ташрифи доирасида 6-7 июнь кунлари бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси якунлари ҳам жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олиниб, ҳозирда қизғин муҳокама қилинмоқда. Ушбу олий даражадаги анжуманда минтақадаги ва, умуман, жаҳондаги бугунги вазият, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Маълумки, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги ҳамкорликни тобора ривожлантириб келмоқда. Бунда Ўзбекистон аъзо бўлган ШҲТнинг ўрни ҳам беқиёс. 1996-1997 йиллари «Шанхай бешлиги» номи билан дунё юзини кўрган ҳамда 2001 йили Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши натижасида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» дея ўзгартирилган ташкилотнинг тузилганига 11 йил тўлди.

ШҲТнинг асосий мақсади

ШҲТнинг Ўзбекистон манфаатлари билан ҳамоҳанг асосий жиҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва айирмачилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма фаолият юритаётганини айтиб ўтиш ўринли.

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги анжуманда ташкилот фаолияти минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлигини янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётгани эътироф этилди. ШҲТга аъзо давлатларнинг янги, адолатли ва демократик, кўп қутбли дунё шаклланиши шароитида давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига умумий ёндашувлари, уларнинг жаҳонда тинчликни ўрнатишга бўлган интилишлари, ўз мамлакатларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, инновацион ва барқарор тараққиёт йўлидан боришга тайёрлиги, умумий тараққиётга ўз мамлакатини ривожлантириш орқали кўмаклашиши, шунингдек, бунинг учун халқаро ҳамкорлик соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўриш масалалари белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда ШҲТ ўзининг яшовчанлигини кўрсатиб, сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача — барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, дунёдаги вазиятнинг ривожланиши ва глобал ўзгаришлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, "оловли нуқталар"нинг сақланиб тургани, турли минтақаларда ва, аввало, барчамизга яқин бўлган Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик хавфи ШҲТдек халқаро ташкилотни тузиш ва шакллантириш ҳаётий зарурат эканлигини ва бу иш ўз вақтида амалга оширилганини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимиз раҳбарининг ХХРга ташрифи доирасида имзоланган ўзаро манфаатли келишувлар ва эришилган аҳдномаларни қўллаб-қувватлайди. Негаки, Пекин шартномалари фақат ва фақат мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади, шу билан бирга, партиямизнинг ижтимоий адолат ҳамда инновацияга асосланган иқтисодиётни ташкил этиш борасидаги ғояларига тўла жавоб беради. "Адолат" СДП дастурида таъкидланганидек, *"Партия миллий манфаатларга асосланган ва мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган фаол ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлайди.*

*Партия гуманитар ва ижтимоий ривожланиш соҳасида, 2000 йилда БМТ томонидан эълон қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш доирасида ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш имконини берадиган халқаро лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш борасида икки томонлама ҳамда кўп томонлама ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни муҳим вазифа деб ҳисоблайди".*

**Қ.ЖЎРАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Фаолият самарадорлигининг асосий бўғини

**Бошланғич ташкилот**

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгаши партиянинг умумий фаолиятида салмоқли ўринлардан бирини эгаллади. Уларнинг асосий ютуқларидан бири ҳамжиҳатликда фаолият юритганлигидадир. Энг муҳими, аҳолининг сиёсий партиямизга бўлган ишончи мустаҳкамланди. Бу борада жамоатчилик назорати алоҳида аҳамият касб этди. Фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмади. Оммавий байрамларда хайрия тадбирлари ҳам мунтазам уюштирилди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, етимлар ҳолидан хабар олиш фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлди. Аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимини юксалтириш, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ёшларни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир юзлаб тадбирлар ташкил қилинди. Бу ишларда албатта, бошланғич партия ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳар қандай давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ёндашиш ҳамиша ижобий натижа бериб келган. Шу сабабки, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлими ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Бошланғич партия ташкилотлари самарадорлигини ошириш — долзарб масала" мавзусидаги семинарда партия фаолиятига ана шундай кўз билан қарашди.

— Вилоят партия Кенгашининг энг заиф томони БПТ сонининг секинлик билан ўсишидадир. — деди вилоят Кенгаши раиси Ҳ.Жумаев ўз сўзида. — Мисол учун, қуйи ташкилотлар 2011 йилда 88 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида бу кўрсаткич сезиларли даражада ўзгармай турибди. Бу ҳолат фаолиятдаги оқсоқликни кўрсатади, албатта. Ишни яхшилаш учун эса, қуйи ташкилотлар фаолларининг бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик алоқаларни янада мустаҳкамлашлари талаб этилади.



Тадбирда БПТлар фаолияти бўйича энг намунали — Кармана, Қизилтепа, Конимех туман партия кенгашлари фаоллари ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Хусусан, Кармана туманидаги "Ибн Сино" деҳқон-фермерлар хўжалиги ҳудудидаги "Хончорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган қуйи тузилма энг фаоллардан ҳисобланади. Шоҳида Орипова етакчилик қилаётган ушбу ташкилот ёшлар билан ишлашда анча тажрибага эга.

— Сафдошларимиз маҳаллада спорт ва соғломлаштириш ишлари самарасини оширишга астойдил бел боғлаган, — деди Ш.Орипова. — Партиядошларимиз Умрзоқ Ҳайитов, Олим Жумаев ва Гуландом Жумаева каби спорт мураббийлари бу борада мунтазам иш олиб бормоқда. Улар ташаббуси билан ташкил этилган "Қизлар гимнастика клуби" тўрт йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу каби амалий ишлар натижасида партиямиз сафи ёшлар билан кенгаймоқда.

Таъкидландики, вилоят ҳудуди катта, аҳоли сони эса нисбатан кам. Шу билан бирга, "Адолат" СДПдан ташқари бошқа сиёсий партиялар ҳам бошланғич ташкилотларни қамраб олган. Шу боис ҳам партия ғоясини самарали тарғиб қилиш, амалий ишлар билан халқ ичига кириб боришда маҳаллий Кенгаш депутатларининг қуйи партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Навоий вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

# Фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти

Давоми. Боши 1-бетда

Фуқаролик жамияти — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида, энг аввало, унинг моҳиятини нима ташкил этади, бу қандай жамият ва қандай тузилмалардан ташкил топган ҳамда ушбу тузилмаларнинг ҳар бирини ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ масалаларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда, фуқаролик жамияти — бу ахлоқий, диний, миллий, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ва институтлар йиғиндиси бўлиб, улар ёрдамида индивидлар ва гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари қондирилади ва таъминланади.

Унинг таркибий қисмлари бўлиб: ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (мулк, меҳнат, тадбиркорлик); жамоат ва бошқа нодавлат ташкилотлар; сиёсий партиялар ва ҳаракатлар; нодавлат таълим ва тарбия тизими; оила; дин ва бошқалар ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг юқорида кўриб ўтилган институтлари ичида оила институтининг ўрни беқиёсдир. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ оила институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, шахсларни бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги, фуқаролик тотувлигини таъминлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини конституциявий нормалар ташкил этади. Бинобарин, Конституциямизнинг махсус боби (XIV боб) оиланинг давлатимиз ва жамиятимиздаги мақомига бағишланган. Ушбу бобда: оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги; никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши; ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари; давлат ва жамиятнинг етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши; фарзандларнинг ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва боланинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши; вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари тўғрисидаги ушбу институтга оид конституциявий тамойиллар ва нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу институтнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги давлат ва жамиятимизнинг бутунлиги гарови сифатида тан олинган юқоридаги конституциявий нормалардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳар бир оила муқаддас қадриятимиз ва миллий бойлигимиздир.

Собиқ Шўро тузуми даврида, авлод-аждодларимизнинг ўгитлари, панд-насиҳатлари, ажойиб анъаналаримиз тарғиб қилиниш ўрнига нуқул қораланди, ёмон отлиғ қилинди, бидъат, хурофот деб баҳоланди. Миллий тарбия борасидаги меросимиз етарли даражада ўрганилмади, тарғиб этилмади. Шу туфайли диний-ахлоқий, оила, қўни-қўшни, маҳалла-кўйлар таъсири каби таълим-тарбиянинг ҳаёт синовидан ўтган бебаҳо бойликларидан жудо бўла бошладик. Мустақиллигимиз туфайли буларга чек қўйилди, бундай салбий иллатларни тугатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур ҳар бир инсон қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади.

Ёш авлодга таълим бериш ва унга касб ўргатиш тизими шаклланмоқда, оиланинг мустаҳкамланишига ёрдам бериш, унга моддий ёрдам кўрсатиши керак бўлган турли ижтимоий фондлар ташкил этилган. Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига оила орқали бериладиган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди. Миллий руҳиятнинг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла фуқаролар йиғинлари ёрдамида аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг қўллаб-қувватланди. Масалага бундай ёндашиш аҳоли орасида кўп асрлик илдизларга эга. Мустақиллик йилларида ушбу соҳада шаклланган тажриба аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган маблағлар айнан эгаларига тегадиган қилиб тақсимланишига кафолат беришини кўрсатади. Айниқса, 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институти бўйича кафолатларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Маҳмуд НАЖИМОВ,**
Юридик фанлари номзоди



# Инновация: устувор вазифалар ва йўналишлар

**Матбуот анжумани**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан Миллий матбуот марказида «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш ва устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидландики, инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизда муҳим устувор йўналишлардан биридир. Президентимиз томонидан инновацион ривожланиш республика иқтисодининг мустаҳкам ривожланиши ҳамда ишлаб чиқаришининг муҳим асоси сифатида белгиланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврда, яъни 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва шунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ хўжалик органларини модернизациялаш ва янги технология фондлари яратилди. Бу эса юқори технологик ишланмалар соҳасини ва ишлаб чиқаришни молиялаштиришга имкон яратди.

Республикамизда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қўшимча имтиёзлар ва преференциялар берилганлиги соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқарувчи илмий муассасалар қатор солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келмоқда.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар натижасида муҳим инновацион лойиҳалар яратилмоқда ҳамда улар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий муассасалари томонидан 71 та ана шундай инновацион лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Соҳани ривожлантириш учун жорий йилнинг 1 чорагида 4,23 миллиард сўм миқдорида нобюджет маблағлари жалб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили ташкил этиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ҳам фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамловчи самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу ярмаркаларда Ёш олимлар жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий муассасалари ва бошқа илмий муассасалар томонидан яратилган инновацион технологиялар ҳамда лойиҳалар намойиш этилмоқда. Ўтган инновацион ярмаркалар давомида илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўртасида юзлаб шартномалар имзоланди.

Матбуот анжуманида журналистлар инновацион фаолият ва уни ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар ҳамда йўналишларга оид ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Ойбек ТОЖИБОЕВ**

# Бозоринг бўлса, шундай бўлса..!

**Реклама ўрнида**




Бухороликлар яхши эслайди: бундан роппа-роса беш йил (2007 йил) муқаддам 14 июнь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов вилоятга ташриф буюриб, «шарқ гавҳари» дея таъриф олган Бухоро шаҳрининг Марказий деҳқон бозорини қайта қуриш юзасидан таклифлар берди. Бозорда сотувчи ва харидорларга энг қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратилиши, ундаги бино ва иншоотлар Бухоронинг миллий-маъмурий услубига мос келиши зарурлигини таъкидлади.

Кўп ўтмай шаҳарнинг узоқ тарихга эга тарихий обидаси — «Талипоч» қалъасига туташ ҳудуддан салкам 14 гектар ер майдони ажратилиб, «Бухоро шаҳар Марказий деҳқон бозори» қурилиши бошланди ва у атиги 90-100 кун атрофида бунёд топди... «Бухоро — Бухоро бўлиб ҳали бундай қисқа фурсатда тикланган улкан мажмуани ҳеч ким эслай олмаса керак», — дейишди ўшанда ҳайратдан одамлар.

Бугунги кунда мажмуада 680 та турғун савдо шохобчалари, 3305 та савдо ўринлари, 40 га яқин устахоналар ишлаб турибди. Автомобилларнинг тўхташ жойлари, коммуникация тармоқлари боғламалари ва юк автомобиллардан туриб савдо қилувчи ҳудудларда барча замонавий шарт-шароитлар муҳайё.

Бозор наинки бухороликлар билан, балки бу ерда ўз маҳсулотларини сотиш илинжида келган қўшни вилоятлар вакиллари билан ҳафтанинг етти куни ҳам гавжум. Мева-сабзавот, қуруқ мевалар, полиз-тузлама маҳсулотлари сотилаётган павильонларда, тадбиркорлар томонидан қурилган 140 га яқин савдо дўконларида, гўшт, сут, озиқ-овқат ва гуллар расталарида бамисли туну кун ҳаёт қайнайди. Уларнинг барчасида маҳсулотлар тур-тури бўйича алоҳида-алоҳида жойлаштирилган. Дид билан терилган сархил неъматлардан кўзингиз қувнайди. Улар сероб бўлгани учун нархлари ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан анча чўнтакбоп.

— Ҳукуматимизнинг бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаб бориш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга қаратилган кўрсатмалари асосида юритаётган иш фаолиятимиз кўлами йил сайин ошиб бормоқда, — дейди бозор ОАЖ раҳбари Музаффар Рўзиев. — Шу боисдан ҳам бозорга қадам ранжида қилган харидор-у сотувчилар томонидан хизматимизга берилаётган холис баҳо бизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ хизмат кўрсатишга ундамоқда. Имконият даражасидан келиб чиқиб, ишимизни ҳудуддаги дўконлар орқали маҳсулотлар етиштиришга бевосита ихтисослаштирилган корхона ва ташкилотлар билан ижара шартномаси асосида ташкил этаяпмиз. Улар сафида аҳоли хонадонлари ҳам ўз маҳсулотларини эркин савдога чиқармоқдалар. Тарафлар ўртасида юзага келган ҳалол рақобат муҳитида арзон, сифатли маҳсулотлар савдоси ҳажми тобора ошиб бораётгани сабаби ҳам шунда... Бозор ўрамидаги бир нечта йирик супермаркетлар, «Бухорогўштсавдо», «Бақоллик» корхоналари ихтиёрига бериб қўйилган. Павильонлар орқали кўрсатилаётган хизмат турларидан эл-юрт хурсанд.



...Юртимизда айни пишиқчилик бошланган шу кунларда бозор расталари турфа маҳсулотлар билан лиммо-лим. Одамлар уларнинг мўл-кўллиги, танловининг эркинлиги, сифати ва нархи арзонлигидан ҳарқачонгидан мамнун. «Бозоринг бўлса, шундай бўлса-да» — дейишмоқда улар ҳавас, фахр билан. Борди-ю, Бухорога йўлингиз тушса ушбу бозорга албатта киринг. Шунда биз қилган барча таърифу таҳсинларга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

**Ғулом ХИДИРОВ,**
"Adolat" мухбири

## Манфаатдорлик самараси

Қорақалпоғистон Республикасида жорий мавсум давомида бир минг 477 фермер хўжалигига 13 минг 500 қути ипак қурти тарқатилиб, тажрибали пиллакорлар томонидан юқори технология асосида парваришланди ва мўл ҳосил етиштирилди.

Бу борада кўп йиллик тажрибага эга Амударё тумани пиллакорлари юқори натижаларга эришдилар. 4 минг 19 қути ипак қурти боқилиб, унинг ҳар қутисидан ўртача 68 килограммдан ҳосил олинди. Давлатга 245 тонна пилла топширилди. Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Хўжайли, Кегейли, Қанликўл туманлари пиллакорлари ҳам юқори натижаларга эришдилар.

# Барчага дахлдор масала

**Солиқ тизими**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан бири ва муҳим иқтисодий дастак бу пул муомаласини банк орқали айланишига эришиш. Бундай айланманинг ўта муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 5 августда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини қабул қилган. Мазкур масалани ўта жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш объектларидан тушумни кўпайтириш борасидаги ишларни ташкил этишда солиқ идоралари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Маълумки, нақд пулни қонуний айланиши иқтисодий барқарорликнинг муҳим шартларидан биридир. Кичик бизнес субъектларига яратилаётган имкониятлар, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтирилаётганидан мақсад аҳолига қулайлик яратиш билан бирга уларнинг иқтисодиётдаги улушини оширишдир.

Аммо кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан айрим тадбиркорлик субъектлари тушаётган нақд пулни банкка топширишдан кўра, ўз ихтиёрларида қолдиришни афзал кўрмоқдалар. Қолаверса, нақд пулни банк орқали айланиши жуда кўплаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни кенг кўламда амалга оширишга имконият яратиши барчага аён. Чунки нақд пулларни банк муассасаларига мунтазам тушишини таъминлаш, уларнинг мижозлари бўлган корхона ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш имконини беради. Боз устига пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар каби ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун зарурий маблағларни ўз вақтида ажратиш имкони кенгаяди.

Нақд пул муомаласи билан боғлиқ муаммолар имкон қадар ҳал этилаётган бўлсада, камчиликлар, тартиббузарликлар ҳам учраб турибди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги нақд пул топширувчи объектлардан 18 тасида қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Энг ачинарлиси, ўтказилган текширишларнинг барчасида турли даражадаги камчиликлар аниқланди. 13 та ҳолатда 8,390,1 минг сўм нақд пул тушумини НКМга кирим қилмаслик, 18 ҳолатда 5,657,5 минг сўм савдо пулларини банк кассасига топширмаслик каби қоидабузарликлар аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан 42,696,8 минг сўмлик молиявий ҳамда 1,573,0 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди. Нақд пул муомаласи қонун-қоидаларига риоя этмаган 7 нафар шахсга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар чора кўриш учун суд органларига юборилди. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик.

Масалан, хусусий тадбиркор Ҳатбек Болтаматовга қарашли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текшириш давомида кунлик кассадаги 14,400 сўм нақд пуллар назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги қайд этилди. Текшириш қамраб олинган давр мобайнида эса назорат касса машинасига кирим қилинган 4,015,200 сўм маблағ банк кассасига топширмай номақсад сарфлаб юборилганлиги аниқланди. Шунингдек, Президентимизнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан тадбиркор дўконини банк тўлов терминали билан жиҳозламаганлиги, сифатини тасдиқловчи кирим ҳужжатларсиз 724,500 сўмлик уяли алоқа телефони ва телефон аксессуарларни савдога қўйганлиги боис товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида вақтинча сақловга олинди.

Худди шундай, нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши борасида олиб борилган назорат тадбирлари давомида 5 та ҳолатда, жумладан, хусусий тадбиркорлар Маъмуржон Нишонов, Умида Якубова, Тоҳиржон Каримов, Ҳошимжон Турдиев, Ҳакимбой Болтабоевлар томонидан савдо дўконлари ташкил этилган бўлишига қарамасдан, савдо дўконларини назорат касса машиналари билан жиҳозламаганликлари, банкдан ҳисоб-рақам очмасдан фаолият кўрсатиб келаётганликлари, шунингдек, сифатини тасдиқловчи ҳужжатларсиз товарларни сотилишига йўл қўяётганликлари аниқланиб белгиланган тартибда чора кўрилди.

Дарҳақиқат, нақд пул тушумини таъминлаш, уларни банкдан ташқари айланишига чек қўйиш орқали ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун қўшимча имконият ва манбалар мавжуд. Бунинг учун ҳар бир фуқаро қонунга итоат этган ҳолда фаолият юритса бас. Зеро, ҳукуматимизни нақд пулни банкдан ташқари айланишининг олдини олишга оид қарорларида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида мазкур ишга жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, фаол ҳаётий позицияда турган оддий фуқароларимиз ҳам жалб этилса ижобий ютуқларга эришиш мумкин. Нақд пул масаласи барчага дахлдор ишдир.

**Аброржон АТАМИРЗАЕВ,**
Учқўрғон туман ДСИ
шўъба бошлиғи

# Божхона тизимида кинология хизматининг ўрни

**Қарор ва ижро**

Давлат божхона қўмитаси томонидан Миллий кинология марказида "Божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тутган ўрни. Миллий кинология маркази томонидан мазкур соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда марказий ва республикамизда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон божхона хизмати фаол ривожланиб, иш самарадорлигини тобора ошириб бормоқда. Хусусан, контрабанда ва бошқа жиноятлар ҳамда божхона қоидалари бузилишига қарши курашишда узоқ йиллик тажриба ва замонавий методларга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятида ҳам кўриш мумкин.



1996 йил 24 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Миллий кинология марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори асосида минтақадаги ягона Миллий кинология марказининг ташкил этилиши божхона тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Марказ зиммасига Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кинология хизматларини услубий таъминлаш, малакали кинологларни ва наслдор хизмат итларини тайёрлаш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш каби вазифалар юклатилган. Ўтган давр мобайнида Миллий кинология маркази нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида том маънода кинологлар ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди.

Марказ фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди. Жумладан, ходимларнинг профессионал фаолияти ва қатор ютуқлари инобатга олинган ҳолда Миллий кинология марказига 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан минтақавий кинология маркази мақоми берилди.

Миллий кинология марказида кинолог курсантлар гиёҳванд моддаларни, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириш, ҳимоя-қоровул хизмати, из-қидирув, қидирув-қутқарув хизмати ва антитеррор йўналишларида назарий ва амалий тайёргарликдан ўтказилади.

Марказда барча шарт-шароитга эга бўлган компьютер синфлари, ўқув хоналари, керакли ўқув адабиётлар билан таъминланган бой илмий кутубхона мавжуд. Амалий машғулотлар ўтказиш учун дала шароитини тўла-тўкис ўзида акс эттирувчи машқ майдонлари, мураккаб жиҳозлар билан таъминланган услубий хоналар кинологлар ихтиёрига топширилган. Божхона пости, ер ва ҳаво транспортлари, темир йўл, аэрокомплекс, юк ташиш учун мўлжаланган контейнерлар — буларнинг бари кинологлар хизматлари давомида дуч келиши мумкин бўлган барча ҳолатлар бўйича кўникма ҳосил қилиши учун муҳайё қилинган.

Сўнгги йиллар мобайнида Миллий кинология маркази томонидан мамлакатимизнинг нафақат Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмаларида, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда хизмат олиб бориш учун 2,5 мингдан ортиқ инспектор-кинологлар ўқув курсларидан ўтказилди.

Миллий кинология маркази фаолияти йўлга қўйилганидан бошлаб ўтган давр мобайнида, бу ерда таҳсил олган кинологлар томонидан хизмат итлари кўмагида аниқланган 1800 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида 3 тоннага яқин гиёҳванд моддаларнинг мамлакатимиз сарҳадлари оша олиб ўтишга бўлган уринишларнинг олди олинди. Шунингдек, 310 та қонунбузарлик ҳолатларида ғаразли кимсалар ва жиноятчилар томонидан турли ўқ отар қуроллар ва портловчи моддаларнинг мамлакатимиз ҳудудига олиб ўтилишига чек қўйилган.

Миллий кинология маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг "Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ўртасида халқаро ҳамкорлик" Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида дунёнинг турли давлатлари божхона хизматлари учун ҳам хизмат итлари тайёрлаб бериш йўлга қўйилган. Жумладан, Марказ томонидан ўтган йиллар давомида Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон божхона хизматлари учун гиёҳванд, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириб топишга ихтисослашган ҳамда антитеррор йўналиши бўйича хизмат итлари тайёрланди, хорижий кинологлар ўқув курсларида таҳсил олишди.

Шунингдек, Франция, Австрия, Россия Федерацияси, Латвия каби давлатларнинг юқори малакали мутахассислари миллий божхона тизимида кинология хизмати иш фаолиятининг шакл ва усулларини ўрганиш билан бир қаторда, ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

**Давлат Божхона қўмитаси**
матбуот хизмати

# Халқ дипломатияси

## халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш омили

**Тадбир**

"Темурийлар тарихи" Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар дўстлик жамияти Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Фармоннинг 15 йиллигига бағишланган "Халқ дипломатияси — халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш омили" номли халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда дўстлик жамиятлари раислари, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва элчихона вакиллари, хориждан таклиф этилган меҳмонлар, вазирликлар ҳамда турли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси, академик С.Ғуломов ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар Кенгашнинг бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик ва тотувликни сақлаш борасида тутган ўрни ва роли ҳақида илиқ фикрлар айтдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари Кенгаши Республикамиздаги фаол нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири бўлиб, фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш, мамлакатни демократлаштириш, уни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, миллатлараро ҳамжиҳатлик, жамиятдаги барқарорликни таъминлаш, халқ дипломатияси фаолиятини ривожлантириш ишига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

— Мен "Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг 15 йиллигига бағишланган анжуманда қатнашаётганимдан мамнунман, — деди Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Игорс Апокинс. — Ушбу Фармон асосида Кенгаш фаолияти янада кучайди, унинг дунё халқлари ўртасидаги дўстликни, тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ошиб бормоқда. Кенгаш таркибидаги биргина "Ўзбекистон — Латвия" дўстлик жамияти фаолиятига назар солсак, 15 йил ичида икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар миқёси кенгайганига гувоҳ бўламиз. Латвия халқи дўстлик жамияти орқали ўзбек халқининг тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Албатта, буларнинг барчаси халқ дипломатияси борасида Кенгашнинг олиб бораётган самарали меҳнатидир. Кенгаш нодавлат нотижорат ташкилот сифатида фидойилик билан дунёга дўстлик уруғини сочмоқда. Келажакда, бу интилиш ўз самарасини бермай қолмайди. Шу боис мен Дўстлик жамиятлари Кенгашининг савобли ишларига омад тилайман, — деди элчи.

Бугунги кунга келиб, Дўстлик жамиятлари Кенгаши қошида 35 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари ва уларнинг вилоятлардаги бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ чет эллардаги турдош бўлимлар Кенгашнинг доимий ҳамкорлари ҳисобланади.

Тадбир давомида иштирокчилар ва меҳмонларга Ўзбекистон телевидениеси томонидан тайёрланган "Халқ дипломатияси ривожида Дўстлик жамиятлари Кенгаши фаолияти" ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Адҳам РАШИДБЕКОВ,**
Ўзбекистон Дўстлик
жамиятлари Кенгаши фаоли

**Он-лайн мулоқот**

# Тўйларимиз ибратлими ёки иллатли?

Қадриятлар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллат маънавиятининг ажралмас бўлагидир. Истиқлол йилларида, жамиятни маънавий юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзлигимизни намоён қиладиган анъаналаримиз, урф-одатларимизни қайтадан тиклашга, уларни мазмунан бойитиш имкониятига эга бўлдик.



Ўзбеклар қадимдан тўйларга бой халқ ҳисобланади. Бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, аскар тўйи, уй тўйи, мучал тўйи, эллик ва ундан ортиқ ёшни нишонлаш тўйлари ва ҳоказо. Тўй оилавий байрам бўлса-да, у барча қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, дўсту биродарлар билан баҳам кўрилади. У кишиларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Ўзбекона тўйларда халқнинг миллий қадриятлари тарғиб этилиб, сайқал топган, ёш авлоднинг маънавияти шаклланиб борган.

Хўш, «миллий урф-одат», «миллий анъаналар», ёки «қадриятлар» деганда нималар кўзда тутилади? Уларнинг аниқ бир ўлчови, мезони борми? Бугун — ер юзида глобаллашув жараёни жадал давом этаётган, халқлар маданиятлар тўқнашувига гувоҳ бўлаётган, «оммавий маданият» ниқоби остидаги маънавиятимизга ёт ғоялар таҳдиди кучайиб, миллат маънавиятига хавф солиб турган бир пайтда ёшларимизга миллий маънавиятимизнинг моҳиятини қандай усул ва услубларда изоҳлаб беришимиз мақсадга мувофиқ? деган савол туғилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда «Тўйларда ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш» мавзуида навбатдаги он-лайн мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда исломшунос олим Шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза Ҳасанова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азиза Бегматова, Тошкент ислом университети олимлари иштирок этишди.

Бевосита ҳам жонли, ҳам он-лайн аудитория кузатуви ҳамда иштирокида ўтган мулоқотда миллий қадриятлар кўп ҳолларда унутилаётгани, бизга мутлақо ёт бўлган сохта қадриятлар ҳаётимизга кириб келиб, улар ўрнини эгаллаётгани таъкидланди. Тўйлар, маърака ва маросимларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофида яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётгани, манманликка берилиб кетган ҳавойи юртдошларимизнинг номақбул ҳаракатлари соғлом муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда, — деди исломшунос олим Шайх Абдулазиз Мансур. Савол-жавоблар мобайнида «ўзбекона тўй», «замонавий тўй» тушунчаларига ойдинлик киритилиб, дабдаба ва исрофнинг моддий ва маънавий зарари хусусида тўхталиб ўтилди.

Тошкент ислом университетининг «Зиё» студияси томонидан тайёрланган мавзуга доир ролик иштирокчиларни чуқур мулоҳазага ундади. Дабдабабозлик ва исрофгарчилик оилалар мустаҳкамлигига раҳна солувчи иллатлардир. Ёш авлодга унинг салбий оқибатларини тушунтириш, оилалар мисолида кўрсатиб бериш бу иллатлардан халос бўлишнинг ягона йўлидир. Бу долзарб мавзунинг илк маротаба интернет тармоғига ижтимоий муаммо сифатида кўтариб чиқилгани ва кенг он-лайн аудитория ҳамда олимлар, мутахассислар, кўпни кўрган инсонлар томонидан таҳлил қилингани ушбу мулоқотнинг ўзига хос жиҳати бўлди. Сўнгги вақтларда «Камолот» «он-лайнчи»лари томонидан ўртага ташланаётган бир қатор долзарб мавзулар интернет аудиториясининг диққат-эътиборини тортмоқда. Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги 8 миллионга яқин интернет фойдаланувчиларининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб ўтказиб келинаётган «Мустаҳкам оила — жамият пойдевори» мавзуидаги ижтимоий он-лайн мулоқотлари юртимизнинг минглаб ёшларини жалб этишга улгурди. Хусусан, 8 май куни бўлиб ўтган «Хотира ва қадрлаш — юксак маънавий қадрият» мавзуидаги он-лайнда 2000 дан зиёд ёшлар иштирок этишди. Ушбу саҳифа бугунги кунга қадар 12 минг маротаба кўрилган.



Уч соат давом этган мулоқот ёш авлоднинг ушбу ижтимоий муаммога бефарқ эмаслигини кўрсатди. Ҳаракатнинг www.kamolot.uz веб-сайтига келиб тушган саволларга меҳмонларнинг жавоблари ишчи гуруҳ томонидан тўғридан-тўғри интернет тармоғига киритиб борилди. Кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга мулоқот меҳмонлари ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, оила ва оилани мустаҳкамловчи асослар, оила аъзоларининг ўзаро муносабати, оилага эътибор хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Қизларимиз тақдирига барчамиз масъул

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан шонли ҳурлик йилларимизга бир назар ташланг: 20 йил тарих олдида жуда қисқа давр. Лекин бу йиллар мамлакатимиз тарихида асрларга тенглагулик, десак муболаға эмас. Шу 20 йил ичида барча жабҳаларда эришилган ютуқларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, бундай ҳол жаҳон тарихида ҳам камдан-кам учрайди. Зеро, саноқли йиллар ичидаёқ давлатимизнинг бу қадар юксак тараққиётга эришиши чиндан-да ҳайратлидир.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинишини ҳам шу 20 йиллик халқчил сиёсатнинг узвий давоми деб тушунмоқ керак. Ойдин эзгу мақсадлар кўзланган ҳолда қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг бажарилиши шубҳасиз, халқимиз ҳаётида юксак даражага эришаётганимизнинг ёрқин намуналаридан бири бўлиб қолади.

Бу йилнинг ўзига хос айрим жиҳатлари ҳақида фикрлайдиган бўлсак, яқинда кучга кирган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг оилани мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, Қонунда тадбиркорлик субъектларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Чунончи, унда оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан ўз мулкий жавобгарликлари остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти эканлиги ва у ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, оилавий корхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Айни чоғда, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, уларнинг тасарруфига келиб тушган фойда солиқдан озод этилишига доир норма ҳам ўрин олган.

Яна бир муҳим жиҳати, мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига мувофиқ, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, жаҳонда ҳар йили 15 миллионга яқин вояга етмаган қиз турмушга эрта узатилмоқда. Афсуски, уларнинг аксарияти ҳар хил хасталикларга чалиниб, митти фарзандлари соғлиғини хавф остида қолдиришмоқда. Шундай экан, миллий урф-одатларимиз сақланган, қадрланган ҳолда қизларимизнинг ўқимишли бўлиши ва ўзига ёққан касб-ҳунарни эгаллашлари ҳамда энг мақбул муддатда турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечиришлари учун жон койитишга барчамиз масъул бўлмоғимиз керак.

**Азиза ДЎСТОВА,**
Каттақўрғон шаҳри, 3-сонли
ДНИ нотариуси,
«Адолат» СДП шаҳар Кенгаши
аъзоси

**2012 йил —**
**Мустаҳкам оила йили**

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши оилалар истиқболи ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг янада кенг тус олишига замин яратди. Қолаверса, бу мамлакатимизда узоқ давом этиб келаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг навбатдаги амалий ифодасидир.

# Оила мустаҳкамлиги —

## миллат барқарорлигидир

Бундай дейишимизга тўла асос бор, албатта. Замон талаби инобатга олинган ҳолда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада такомиллашмоқда. Ёш оилалар ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиниб, уларга эътибор ва ғамхўрлик ошди. Уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур имтиёз ва афзалликлар яратиш сингари кўплаб имкониятлар берилмоқда. Қолаверса, ушбу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 1,478,7 миллиард сўм ва 114 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами нақадар катта эканидан далолат беради.

Маълумки, оила қанчалик мустаҳкам бўлса, миллат ҳам шу қадар қудратли ва барқарор бўлади. Юртимизда жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши замирида ана шу қутлуғ ният мужассам.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, оилаларнинг маънавий камолоти, моддий фаровонлиги учун давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар адлия идоралари зиммасига ҳам кўплаб вазифаларни юклайди.

Сир эмас, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг ислоҳотларга қарамай, оила институтини янада мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган баъзи муаммолар ҳам учраб турибди.

Хусусан, глобаллашув жараёнида "оммавий маданият" кўринишида мамлакатимизга кириб келаётган турли ахлоқсизлик ва маънавиятга зид бўлган иллатлар ёшлар онгу шуурига салбий таъсир кўрстамоқда. Бу эса баъзи ҳолларда ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш учун аввало, оилага маънавий қадриятларни сингдириш ва мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетга эга бўлган шахсни шакллантиришга эришиш, оиладаги зўравонликлар, маиший ҳуқуқбузарликлар сонини камайтиришга эришиш лозим. Шунингдек, ота-оналарнинг ахлоқсиз хулқ-атвори орқали фарзандларига салбий таъсир кўрсатиш даражасини чеклашни назарда тутиш ҳам талаб этилади.

Қолаверса, никоҳга кириш масъулиятини ошириш ва бўлғуси эр-хотиннинг оила-никоҳ муносабатлари ҳақидаги билимларини кучайтириш мақсадида ФҲДЁ органларида махсус ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик тарғибот фаолиятини ташкил этиш керак. Шундай экан, мустаҳкам оила туйғусини жамият ва давлатнинг барча институтларида кенг тарғиб қилишни кучайтириш барчамизнинг бирдек вазифамиздир.

**Гулчеҳра ҚЎЛДОШЕВА,**
Мирзо Улуғбек туман 2-сонли
ДНИ нотариуси

# Ижтимоий ҳимоя

## давлат ва жамият олдидаги устувор вазифа

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат қурилиши дастури ва Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ этишнинг бутун ўзагини — мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил ташкил этди. Унда аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли чора-тадбирларини олдиндан амалга ошириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Ижтимоий ҳимоя ва кафолатларнинг таъсирчан механизми яратилишига катта эътибор берилди, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилди.

Мазкур ижтимоий ҳимоя тизими асосида аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалашган ҳолда ёндашув, ижтимоий ёрдамнинг мақсадли таснифи, манзиллилиги ва уни амалга оширишда давлат билан бир қаторда корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия фондлари ҳамда бошқа нодавлат жамғармалар фаол иштироки кўзда тутилди. Натижада, ижтимоий ҳимоянинг ҳаракатдаги тизими — аҳолининг турли гуруҳлари томонидан олинган даромадларни давлат томонидан тартибга солиш йўли билан тенгсизликнинг кескин кучайишига барҳам берди. Хусусан, кам даромадли, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг юқори даромадли қатлами даромадларининг юқори чегарасини чеклаш учун турли ижобий ёндашувлардан фойдаланилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш:

пенсиялар, стипендиялар ва бюджет соҳаси ишчилари иш ҳақининг минимал даражаларини мунтазам ошириб бориш;

кам таъминланган болали оилаларга пул нафақаларини мунтазам бериб бориш шаклида манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби асосий йуналишлардан иборатдир.

Ўтган йилнинг 31 майида Президентимиз томонидан «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши — соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар кўламини янада кенгайтирди ва халқимизнинг инсонпарварлик фазилатлари ҳуқуқий базасини тобора мустаҳкамлаш зарурияти борлигини кўрсатди. Қарорда соҳа вакилларига аниқ кўрсатмалар, вазифалар белгилаб берилди: ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар асосида фаолият олиб боришнинг аниқ йўллари белгиланди. Жумладан, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш, сифатини ошириш каби ишлар кўламига ойдинликлар киритилди.

Дарвоқе, ёрдамга муҳтож ҳар бир фуқарога хизмат кўрсатиш, уни ўз ҳимоясига олиш ва ҳуқуқий, ижтимоий мавқеини таъминлаш — давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилиб, бу йўлда охирги ўн йил ичида жуда катта ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу шубҳасиз, халқимизнинг бағрикенглиги, ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳомийликка олиш тизимини жорий этиш, уларнинг уюшган ҳолда дам олишлари, мулоқотда бўлишлари учун жамоат марказларини ташкил этиш, у ерларда хайрия кечалари, концертлар ва бошқа маданий-оммавий тадбирлар уюштириш каби ишларнинг самарали олиб борилаётгани бугунги кунда жуда қувонарли ҳолдир. Мазкур қатламни манзилли ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, хусусан, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби жараёнлар мамлакатимизда уларни қўллаб-қувватлашда жуда катта аҳамият касб этаётганлигидан далолат бўлиб, ҳозир буни бутун дунё экспертлари ҳам эътироф этмоқдалар.

Мухтасар айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти инфратузилмаси яратишнинг комплекс режаси Ўзбекистон тараққиётининг машҳур беш тамойилида ўз аксини топганлиги соҳа механизми фаолиятига катта туртки бермоқда. Танланган бу макроиқтисодий йўл — нафақат аҳолининг ижтимоий ҳимоясига иқтисодий мадад бермоқда, балки, шу асосда фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашда ҳам моҳиятли ўрин тутаётир, ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига тўла кафолат бўлмоқда.

**Ёдгорбек ТОЖИБОЕВ,**
ТДЮИ магистранти

# Фарғоналик полвон қиз

Фарғоналик Мадинахон тўрт ёшидан спортнинг белбоғли кураш тури билан шуғулланиб келади. У илк ғалабасини 2009 йилда Андижон шаҳрида Ўзбекистон чемпионатида нишонлади. Шу йили Бухорода ўтказилган чемпионатда ҳам 1-ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. 2011 йилда Ўзбекистон туманидаги 17-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Мадинахон нафақат туманда, балки вилоятда, республикада иқтидорли спортчи сифатида танилди.



Айни вақтда полвон қиз Қўқон тиббиёт коллежининг 1-босқич ўқувчиси. Бу ерда унинг аъло баҳоларда таҳсил олаётганлигига, намунали хулқи, эришаётган ютуқларига тенгқурлари ҳавас билан қарашади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бунга бир мисол, Қўқон тиббиёт коллежининг энг иқтидорли ўқувчилари вилоят партия Кенгашининг стипендияси билан рағбатлантирилиб келинмоқда. Айнан Мадинахон Абдусатторова ҳам Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши стипендиантидир.

Коллежда талаба қизлар орасида белбоғли кураш тўгараги ташкил этилган бўлиб, ёш чемпион ушбу тўгаракда тенгдошларига курашнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаол аъзоси Мадинахон ҳаётда «Соғлом танда — соғлом ақл» шиорига қатъий амал қилади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Фарғона вилояти Кенгаши
матбуот хизмати




## www.adolat.uz *сайти саҳифаларида*:

- "Онлайн депутат" лойиҳасида янги қаҳрамон. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракциямиз аъзоси Мавлуда Нишонова сизлардан савол, фикр-мулоҳаза ва мурожаатлар кутмоқда.
- "Финляндия социал-демократик партияси раҳбари қайта сайланди. Бу билан партияда қандай ўзгаришлар ва янгиислоҳотлар рўй бериши тахмин қилинмоқда? "Жаҳон сиёсий партияларида" саҳифасини ўқинг.
- "Адолат" СДП фаолияти, бўлиб ўтган тадбирлар ёки сайтда чоп этилган материалларга ўз муносабатингизни эркин билдириш имкониятига эгасиз. "Фикр-мулоҳазалар" бўлими айнан Сиз учун!

**Ўқинг, бу қизиқ**

### Янги қоида

«The New York Daily News» нашрининг ёзишича, АҚШнинг Нью-Жерси штатида пиёдалар учун янги қонун жорий этилди.

*Унга кўра, энди пиёдаларга кўчани кесиб ўтаётган вақтда мобил телефонларда хабар ёзиш тақиқланади. Полициячиларнинг айтишича, жорий йилнинг ўзида Форт Ли шаҳрида йигирмадан зиёд кишини автомобиль уриб кетган. Автоҳалокат қурбонлари йўлни кесиб ўтаётган вақтда айнан мобил телефонида хабар ёзиш билан чалғиган.*

*Хабарларга қараганда, қонунга риоя қилмаганлар 85 доллар жарима тўлайди. Ҳатто болалар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг ўрнига жаримани ота-онаси тўлайди.*

### Жазирама хавфли

Бельгия автомобиль уюшмаси мутахассисларининг фикрича, ҳавонинг ҳаддан зиёд исиб кетиши автомобиль ҳайдовчиларининг жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва транспортни бошқаришда жиддий хавф туғдиради.

*Мазкур уюшма экспертларининг сўзларига кўра, машинани юқори даражали ҳарорат остида бошқараётган ҳайдовчи тез толиқади, эътибори сусаяди ва унда йўл ҳолатини кузатиш лаёқати пасаяди. Бу эса бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.*

*Иссиқ кунларда бундай хавфни бартараф этиш учун уюшма ходимлари автомобилни салқин жойда сақлаш, бошқарув пайтида салондаги совитиш воситаларидан фойдаланиш, энг асосийси, кундузи соат ўн иккидан ўн бешга қадар машина бошқармасликни тавсия қилмоқда.*

# «Олтин гепард» кинофоруми

Тошкентда жорий йилнинг 30 сентябрь — 5 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган «Олтин гепард» иккинчи халқаро кинофорумига тайёргарлик доирасида киноижодкорлар, актёрлар, санъатшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган навбатдаги «Олтин гепард» халқаро кинофорумига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу йилнинг 10 августига қадар лойиҳанинг танлов ва танловдан ташқари дастурларида иштирок этиш учун тўлиқ метражли, қисқа метражли ва анимацион фильмлар қабул қилинади. Энг сара экран асарлари ташкилий қўмита томонидан тузилган саралаш комиссияси томонидан танлаб олинади. Комиссия ўз ишини июль ойидан бошлайди. Танловни хорижий ва мамлакатимиз кино арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради. Кинофорумда иштирок этиш учун сараланган фильмлар рўйхати жорий йилнинг август ойида эълон қилинади.

Бу йилги йирик ижодий йиғинга катта қизиқиш билдираётган хорижлик санъат усталари сафи тобора кенгаймоқда. Жумладан, Болгария, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Тунис, Марокаш, Миср каби давлатларнинг кино ижодкорлари мазкур лойиҳада иштирок этиш истагини билдиришмоқда.

Ушбу учрашувда, шунингдек, замонавий киносанъатининг сценарий, режиссура ва актёрлик маҳорати сингари долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Рамз ВАЛИЕВ**

Россияда бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда спортчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медалга сазовор бўлди.

# Гимнастикачиларимиз муваффақияти

Халқаро гимнастика федерацияси (FIG) мусобақалари тақвимидан жой олган мусобақада мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Франция, Люксембург, Беларусь, Эстония, Туркманистон каби мамлакатлардан 5 ёшдан 20 ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

1997 йилда туғилган қизлар мусобақасида иқтидорли гимнастикачимиз Валерия Давидова кўпкураш беллашувларида энг кўп — 102,3 балл жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

1998 йилда туғилган қизлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида маҳорат кўрсатган умидли спортчимиз Самира Амирова ҳам ўз тенгқурлари ўртасида энг юқори кўрсаткични қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

**Нилуфар ЖУМАМУРОДОВА**




### Рекордчилар мамлакати

Ҳиндистон Гиннеснинг рекордлар китобидан энг кўп жой олган рекордчилар истиқомат қиладиган мамлакатлардан бири деб тан олинди.



*Рекордчилар сонининг кўплиги билан АҚШ ва Буюк Британиядан кейин учинчи ўринни эгаллаган Ҳиндистонда турли йўналиш бўйича жами 250 рекорд ўрнатилган. Мисол учун, дунёда энг паст бўйли Жиоти Эмге исмли аёл айнан шу мамлакатда яшайди. Унинг бўйи 62,8 сантиметрни ташкил қилади.*

### Пластик идишларга оид тақиқ

АҚШда болалар озуқа маҳсулотларини пластик идишларга қадоқлашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.



*Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига қараганда, пластмасса идишлар ва қутилар таркибидаги бисфенол А моддаси маҳсулот сифати бузилишига сабаб бўлади.*

*Олимларнинг сўзларига кўра, мазкур заҳарли модда кўпроқ гўдакларнинг сут маҳсулотлари қадоқланадиган пластмасса идишларда учрайди.*

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Фарҳод ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9550.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 19.45
1 2 3 5